



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81)

2021 йил «6» июль

VI-30-23-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Сурхондарё вилоятидаги маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда давлат бошқаруви органлари фаолиятини янада самарали амалга оширишни таъминлаш тўғрисида**

Маҳаллий ижро ва вакиллик органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда давлат дастурининг 6-банди ижросини таъминлаш тўғрисида вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи С.Саттаровнинг ахбороти Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг “Адолат” социал демократик партияси депутатлик гуруҳи йиғилишида тингланганлигини инобатга олган ҳолда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши “Адолат” социал демократик партияси депутатлик гуруҳи йиғилиши 2021 йил 28 май кунида ZOOM дастури орқали ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (О.Рўзиев), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Ф.Очилдиев):

топшириқлар ижро ҳолатини ҳокимнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума куни, ҳоким ҳузурида ҳар ҳафтанинг душанба куни муҳокама қилиб борилишини, масъул ижрочилар томонидан ижро муддати ўтган топшириқлар бажарилишини доимий назоратга олиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини асосиз сабаблар билан муддатида таъминламаган, мунтазам равишда ижро интизомини бузиб келаётган мансабдор шахсларга нисбатан ҳар ой якунида қатъий чора кўрилишини таъминласин.

3. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолатини ҳар чорак якуни бўйича навбатдаги Кенгаш йиғилишларида муҳокама этиб борсин.

4. Туман (шаҳар) ҳокимларига:

“ijro.gov” тизимида ижро ҳолатини тизимли ташкил қилиш орқали топшириқларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сонли Фармони ижросини таъминлаш;

Фармон юзасидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолатини халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар йиғилишларида муҳокама қилиш ҳамда тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масалаларини кўриб чиқиш тизимини йўлга қўйиш топширилсин.

5. Вилоятдаги барча ташкилот, корхона ва муассасаларга:

ўз соҳасини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш юзасидан тарғибот тadbирларини адлия органлари билан ҳамкорликда олиб бориш;

маҳаллий давлат органларига адлия органлари томонидан юборилган қонун ҳужжатларини ижрочиларга етказиш бўйича масъул бўлган ходимларнинг амалга оширган ишларини танқидий кўриб чиқиш орқали бу борадаги масъулиятини ошириш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича ўрганишлар ва мониторингида адлия органларига кўмаклашиш;

келиб тушган қонун ҳужжатларини ижрочилар ва кенг жамоатчиликка етказиш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар ҳамда ўз соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифларни белгиланган муддатларда адлия органларига тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг “Адолат” социал демократик партияси депутатлик гуруҳи раҳбари (А.Эшмуродов) зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**